



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 9 » март

№ I33

Toshkent sh.

Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-хуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон, “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон ҳамда “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш ва амалга оширишнинг норматив-хуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Стартап” лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашлар тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдураҳмонов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “9” марта Г¹³³сон қарорига
1-илова

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фундаментал, амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳаларни (кейинги ўринларда давлат буюртмаси деб аталади) шакллантириш, бажариш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

академик ҳаракатчанлик – илмий ходимларнинг ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўtkазиладиган илмий тадбирларда иштирок этиши, тажриба алмашиши;

амалий тадқиқотлар – амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимларни ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар;

бенефициар (ложиҳадан фойда олувчи) – илмий-тадқиқот лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдор бўлган шахс;

давлат буюртмаси – илмий-тадқиқот лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш топшириги;

илмий экспертиза – илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича асослантирилган қарор қабул қилиш мақсадида уни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва хулоса тайёрлашга қаратилган фаолият;

илмий-тадқиқот лойиҳаси – фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар шаклида мақсад ва вазифалари, ижрочилари ва бажариш муддатлари, манбалари, воситалари (уларнинг шакллантириш манбаларидан қатъи назар) илмий ва (ёки) илмий-техник натижаларни, ноу-хау ва янги технологияларни олишга қаратилган ташкилий-техник ва бошқа зарур чора-тадбирлар мажмуи;

илмий-техник кенгаш – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илмий лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш мақсадида тегишли фан йўналишлари бўйича соҳага оид олимлар, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан шакллантирилган ҳамда жамоатчилик асосида фаолият юритадиган илмий-техник жамоа;

инновацион лойиҳалар – амалга ошириш муддати, инфратузилмаси, ижрочилари, молиялаштириш манбай ва ҳажмига эга инновацияни яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган тадқиқотлар;

коллегиал орган – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳайъати;

лойиҳанинг ижрочи ташкилоти – илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширувчи илмий фаолият субъектлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан шуғулланадиган бошқа ташкилотлар;

мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган давлат сиёсати вазифаларининг илмий ечимини таъминлашга йўналтирилган, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган ўзига хос муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқишига қаратилган, танлов ташкил қилиш учун альтернатив лойиҳа таклифларини шакллантириш имкони чегараланган илмий-тадқиқот лойиҳалари;

саноат ҳамкори – илмий-тадқиқот лойиҳаси натижаларини ишлаб чиқаришига жорий этишдан манфаатдор бўлган ва шунга мувофиқ лойиҳани ҳамкорликда молиялаштириш таклифига эга саноат ёки тармоқ корхонаси;

тажриба-конструкторлик лойиҳаси – тажриба, конструкторлик намуналари, асбоблар, материаллар, буюмлар ва бошқа илмий ишланмаларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва синовдан ўтказиш, ривожлантириш билан боғлик лойиҳа;

ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари – фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ илмий фаолият субъектларининг ташаббуслари асосида қабул қилинадиган, альтернатив лойиҳа таклифлари талаб қилинмайдиган илмий-тадқиқот лойиҳалари;

тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари – илмий фаолиятнинг илфор йўналишлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжлари ва муаммоларидан келиб чиқсан ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқиладиган, молиявий ҳажми кўрсатилган, мавзу доирасида олинадиган якуний маҳсулоти аниқ акс эттирилган мунтазам равишда эълон қилинадиган, танлов асосида молиялаштириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари;

фундаментал тадқиқотлар – табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақидаги янги билимларни олишга, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, шунингдек, муайян фаолият натижасида яратилган обьектларни ўрганишга қаратилган назарий ва (ёки) тажриба ўтказишга қаратилган тадқиқотлар.

3. Давлат буюртмаси тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари, мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари ҳамда илмий фаолият субъектларининг ташаббуслари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари асосида шакллантирилади.

4. Давлат буюртмасини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) юкланди.

5. Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни бажариш учун давлат буюртмаси Буюртмачи билан илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ижрочи ташкилоти ўртасида шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

**2-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш
учун давлат буюртмасини шакллантириш ва амалга
oshireshga қўйиладиган умумий талаблар**

6. Давлат буюртмаси мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш вазифалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида назарда тутилган мақсадларга еришиш учун шакллантирилади.

7. Давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар йўналишлари, тематикалари ва молиялаштириш ҳажмлари Буюртмачи томонидан шакллантирилади ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини белгиланган тартибда танловдан ташқари (альтернатив лойиҳа таклифлари мавжуд бўлмаганда) ёки танлов асосида (альтернатив лойиҳа таклифлари ичидан) саралаб олиш учун асос бўлади.

8. Буюртмачи давлат буюртмасини бажариш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари танловини мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган талаблар асосида эълон қиласди.

Эълонлар Буюртмачининг расмий веб-сайтига аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўtkазиш ва топшириш тартиби, муддати ва талаблари кўrsatilgan ҳолда жойлаштирилади.

9. Фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

табиат, жамият, инсон, онг ва сунъий равища яратилган объектларнинг тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятларини очишга қаратилган янги билимларни эгаллаш;

ilm-fannining муайян соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини назариялар, тушунчалар, методологиялар, усуллар, тавсиялар шаклида қўллаш мақсадида тадқиқ этиш;

ilm-fan назарияси ва методологиясини бойитишига, келгусида бажариладиган амалий тадқиқотлар ҳамда уларни амалий қўллашга қаратилган инновация ишлари учун асос сифатида хизмат қилиш.

Фундаментал лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муддати беш йилгача бўлиши мумкин.

Фундаментал лойиҳалар танловида қатнашувчи илмий жамоанинг раҳбари илмий даражага эга бўлиши шарт.

10. Амалий илмий-тадқиқот лойиҳалари қуидаги талабларга жавоб бериши лозим:

ишлаб чиқариш ва/ёки ижтимоий, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида янги конструкциялар, материаллар, усуллар, хизматларни яратишга ёки мавжудларини такомиллаштиришга хизмат қилиши;

иқтисодиётнинг реал секторини шакллантиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш соҳасида энергия ва ресурсларни тежашни таъминлаш, миллий иқтисодиёт субъектлари эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг инновацион таркибини ва қўшимча қийматини ошириш;

юқори технологияли маҳсулотлар намуналарини тайёрлаш ва/ёки ишланмаларнинг техник ва технологик синовларининг натижалари ва/ёки олинган илмий-техник натижани иқтисодиётнинг реал секторига жорий қилиш;

илмий-техник маҳсулотлар ва унга илмий-техник ҳужжатлар тўпламини, шу жумладан лойиҳалаш ҳужжатларини ва/ёки технологик ҳужжатларни тасдиқлаш, лаборатория қоидалари ва/ёки техник шартлар ва паспортлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиши.

Амалий лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муддати уч йилгача бўлиши мумкин.

Амалий лойиҳалар танловида қатнашувчи илмий жамоанинг раҳбари илмий даражага эга бўлиши шарт.

11. Инновацион лойиҳалари қуидаги талабларга жавоб бериши зарур:

аввал бажарилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар асосида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган янги маҳсулот ва технологияларни яратиш, мавжудларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, таннархини пасайтириш, меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишни таъминлаш;

кейинчалик улардан амалиётда фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган конструкторлик, тажриба намуналари, асбоблар, материаллар, буюмлар ва бошқа илмий ишланмаларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва синовдан ўтказиш, ривожлантириш билан боғлиқ тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

юқори технологияга асосланган маҳсулотлар намуналари ёки прототипларини яратиш ва/ёки тажриба-лаборатория технологиясини татбиқ этиш, илмий ҳажмдор маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўллаш учун янги турдаги хизматларнинг тажриба-синовини ўтказиш (соғлиқни сақлаш, банк-молия сектори ва бошқалар).

Инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муддати икки йилгача бўлиши мумкин.

Инновацион лойиҳалар танловида қатнашувчи илмий жамоанинг раҳбари илмий даражага эга бўлиши шарт.

12. Илмий-тадқиқот лойиҳаларига ташкилотлардан тақдим этиладиган аризалар Буюртмачи томонидан рўйхатдан ўтказилиб, идентификация рақами олингандан сўнг қабул қилинади. Рўйхатдан ўтиш тартиби ва ижрочи ташкилотларга қўйиладиган талаблар Буюртмачи томонидан белгиланади ва Буюртмачининг расмий веб-сайтида ва/ёки зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3-боб. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш тартиби

1-§. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш тартиби

13. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларига буюртма давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектларининг асосланган таклифлари, шунингдек, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари, тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот/технологияларга бўлган эҳтиёжлари таҳлилининг натижалари асосида Буюртмачи томонидан ишлаб чиқилади.

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат буюртмасига киритиш учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммоларини ва реал эҳтиёжларини чукур таҳлил қилиш ва худудий муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-тадқиқотлар бўйича белгилangan тартибда ва шаклда асосланган таклифлар (кейинги ўринларда таклифлар деб аталади) тайёрлайди. Таклифлар Буюртмачининг расмий сўровига асосан ёки ихтиёрий равишда кўриб чиқиш учун мунтазам равишда тақдим этилиши мумкин.

Бунда давлат буюртмасига киритиш учун илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан уларнинг илмий-техник ёки илмий кенгашларида кўриб чиқилиб, маъқулланган тематик лойиҳа эълони учун таклиф ушбу муассасаларнинг юқори турувчи вазирлик ва идораларига тақдим этилади.

Юқори турувчи вазирлик ва идоралар илмий-тадқиқот ҳамда олий таълим муассасаларидан олинган таклифларни умумлаштиради ва кўриб чиқиш учун Буюртмачига тақдим этади.

Иқтисодиёт тармоқларининг илмий ечимни таъминлаш талаб этиладиган эҳтиёжлари бўйича таклифлар тўғридан-тўғри Буюртмачига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таклифлар ҳудуд иқтисодиётининг муаммоларини ва илмий-техник ишланмаларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш, шунингдек, ҳудуддаги юқори турувчи ташкилоти мавжуд бўлмаган бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида шакллантирилади.

15. Давлат буюртмасига киритиш учун тематик лойиҳа эълони учун таклифларни шакллантиришда куйидаги принципларга риоя этилади:

илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва тематик лойиҳа мавзусида аниқ якуний маҳсулотга буюртмани акс этганлиги;

фан ва технологиялар ривожи учун устуворлиги;

иктисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудларининг аниқ муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги;

бойиҳа натижасида якуний маҳсулотни яратилиши асосланганлиги;

ишланманинг рақобатбардошлилиги;

тайёр маҳсулотни ишлаб чиқишга йўналтирилганлиги;

бойиҳа натижаларининг тижоратлаштириш имкониятининг мавжудлиги;

бойиҳанинг натижадорлиги (маҳсулот ёки такомиллаштирилган технология);

бойиҳанинг молиялаштириш прогноз ҳажмлари белгиланганлиги.

16. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалар бўйича таклифларни шакллантириш учун, зарур ҳолларда, Буюртмачи томонидан мавзу ва бойиҳа натижасида яратиладиган маҳсулотни иқтисодиётга кераклиги тўғрисида манфаатдор давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сўров юборилади.

Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалар бўйича таклифлар Буюртмачи томонидан мунтазам равишда қабул қилинади.

17. Таклифларни шакллантиришда уларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги учун тематик илмий-тадқиқот бўйича таклиф берган (бенефициар) томон жавобгар бўлади.

18. Буюртмачи таклиф(лар) қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун давомида келиб тушган таклифлар йиғма рўйхатини шакллантиради, уларнинг такрорланишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, амалга оширилаётган ва аввал амалга оширилган бойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқади.

19. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалар бўйича таклифларни ўрганиш жараёнига зарур ҳолларда, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг

тегишли мутахассислари, шу жумладан хорижий эксперктар ҳам жалб этилиши мумкин.

20. Буюртмачи тематик илмий-тадқиқот лойиҳалар бўйича таклифлар рўйхатини шакллантиришда мавзу доирасида амалга ошириладиган лойиҳанинг тури, кутилаётган якуний натижаси ва амалга ошириш муддатларидан келиб чиқиб, молиялаштиришнинг прогноз ҳажмини белгилаши мумкин.

21. Буюртмачи тематик илмий-тадқиқот лойиҳалар долзарблиги ҳамда аҳамиятини, кутилаётган якуний натижасини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини белгилайди.

22. Буюртмачининг таркибий бўлинмалари таклиф(лар) қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун муддат ичида лойиҳа таснифи ва унга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади ва эълон учун тайёрлайди.

23. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларга давлат буюртмаси Буюртмачининг буйруғи билан тасдиқланади ва лойиҳани топширишнинг аниқ муддати ва тартиби белгиланган ҳолда унинг расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинади.

Ўрганиш натижаларига кўра, айрим таклифлар эълонга берилмаслиги ва қайта кўриб чиқиш учун таклиф этувчига қайтарилиши ёки асослантирилган ҳолда рад этилиши мумкин.

2-§. Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш тартиби

24. Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, давлат дастурлари ва концепцияларда баён этилган вазифа ва топшириқлар асосида (агар бу топшириқларни ижроси тематик илмий-тадқиқот лойиҳалар танловлари доирасида бажарилиши мумкин бўлмаса) ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган ўзига хос муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжидан келиб чиқиб мурожаатга мувофиқ қабул қилинади. Бунда танлов ташкил қилиш учун альтернатив лойиҳа таклифларини шакллантириш имкони чегаралангандиги учун лойиҳалар тегишли илмий-техник кенгашда ўtkazilgan илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра танловдан ташқари молиялаштирилади.

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

25. Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари икки ёки ундан ортиқ илмий фаолият субъектлари, халқаро ва хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

26. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари қабул қилинганидан кейин ўттиз кун ичида мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича таклифларни Буюртмачига тақдим этади. Бунда таклиф қилинаётган илмий лойиҳанинг мақсадлилиги, ўзига хослиги ва танлов ташкил қилиш учун альтернатив лойиҳа таклифларини шакллантириш имкони йўқлиги ёки чегаралангандиги асослаб берилиши шарт.

Буюртмачининг ўрганишлари ва хulosаси асосида танлов ўтказиш имкони бўлган топширикларга тематик илмий лойиҳалар шакллантирилиб, танловга қўйилиши мумкин.

27. Буюртмачи мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини тегишли илмий кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра танловдан ташқари молиялаштиришга йўналтиради.

28. Ариза берувчи (бенефициар) мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантиришда ва амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар учун жавобгардир.

29. Буюртмачи таклиф(лар) қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун давомида келиб тушган таклифларнинг йиғма рўйхатини шакллантиради, такрорланишларининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, амалга оширилаётган ва аввал амалга оширилган лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда тегишли илмий кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра молиялаштиришга тавсия беради.

30. Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш жараёнига зарур ҳолларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг тегишли мутахассислари, шу жумладан хорижий эксперталар ҳам жалб этилиши мумкин.

31. Буюртмачи лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий имконият мавжуд бўлганда, маблағлар лимитини ошириш ёки маблағларни тадқиқот йўналишлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга.

3-§. Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш тартиби

32. Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширувчи бошқа манфаатдор ташкилотларнинг асосланган таклифлари асосида илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мувофиқ шакллантирилади, тегишли илмий-техник кенгашда

илмий экспертиза ва лойиҳанинг очик муҳокамаси натижасига кўра танловларсиз молиялаштирилади.

Буюртмачи устувор йўналишларга мувофиқ ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларига эълон беради.

Эълон бўйича ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларига талаб этиладиган ҳужжатлар Буюртмачининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва унда лойиҳа талабномаларини қабул қилиш муддатлари, амалга ошириш муддатлари ва лойиҳаларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар кўрсатилган бўлиши зарур.

33. Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича лойиҳа талабномалари Буюртмачи томонидан белгиланган талаблар ва шаклларга мувофиқ тақдим этилади.

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ушбу Низомга З-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

34. Ташаббускор лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари тадқиқот турлари бўйича ишларни бажариш муддатига кўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда, асослантирилган календарь иш режаларига мувофиқ белгиланади.

35. Ташаббускор лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми лойиҳани амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар ва молиявий режалар асосида белгиланади.

36. Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган ташаббускор лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари ва молиялаштириш ҳажми лойиҳа талабномаларининг ўтказилаётган экспертизаси натижаси бўйича тегишли илмий-техник кенгашлар ва буюртмачининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

37. Амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларининг талабномалари илмий фаолият субъектлари ва саноат ҳамкорлари билан биргаликда тақдим этилиши мумкин.

Бундай аризада саноат ҳамкори томонидан қўшма (улушли) молиялаштириш ҳажми, шу жумладан қўшма молиялаштириш харажатлари турлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

38. Буюртмачи берилган эълонга кўра, тадқиқот йўналишларига кўра ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича келиб тушган лойиҳаларни қабул қиласи, уларнинг техник экспертизасини ўтказади ва ҳузуридаги илмий-техник кенгашларда лойиҳанинг илмий экспертизани ва очик муҳокамаси ташкил этади.

4-боб. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳа таклифларини қабул қилиш, эълон ва танловларни ташкил этиш тартиби

39. Буюртмачи:

тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларига мунтазам равишда танлов эълон қилади ва тегишли илмий-техник кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра энг мақбул лойиҳалардан бирини танлаб, молиялаштиришга тавсия этади;

мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларига таклиф қабул қилади, тегишли илмий-техник кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра танловсиз молиялаштиришга тавсия этади;

илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича ташаббускор лойиҳаларга эълон беради ва тегишли илмий-техник кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра танловсиз молиялаштиришга тавсия этади.

40. Ташаббускор лойиҳаларга эълон ва тематик лойиҳалари танлов талаблари Буюртмачининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда лойиҳа талабномаларини қабул қилиш муддатлари, лойиҳа мавзуларининг номи, амалга ошириш муддатлари ва лойиҳаларни молиялаштиришнинг прогноз миқдори, лойиҳаларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топшириқни ўз ичига олган маълумотлар кўрсатилади.

Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чиқарилган топшириқларнинг асосланганлигига қараб, танловлар ўтказилиши ёки танловларсиз молиялаштириш учун коллегиал органга хулоса берилиши мумкин.

41. Ташкилий-хукуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, Буюртмачининг талаблари ва танлов хужжатларига мувофиқ илмий фаолият субъектлари, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун лойиҳа хужжатлари тўплами билан лойиҳалар танловида қатнашиш, хужжатлар тўпламини эълонда белгиланган муддатларга мувофиқ тақдим этиш хукуқига эга.

42. Лойиҳа талабномаси таркибидаги хужжатларнинг асосий рўйхати ва уларни расмийлаштириш (тўлдириш) ва тақдим этиш тартиби Буюртмачи томонидан тасдиқланади ҳамда Буюртмачининг расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда, бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

43. Лойиҳа талабномалари Буюртмачи томонидан эълон қилинган хужжатлар эълон ёки танлов шартларида белгиланган санага қадар қабул қилинади.

44. Буюртмачи илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича келиб тушган барча лойиҳани рўйхатдан ўтказади ва уларга рўйхатга олиш рақамларини беради ҳамда техник экспертизадан ўтказади. Техник талабларга мос лойиҳалар

илмий экспертиза ва очиқ муҳокама ўтказиш учун буюртмачи ҳузуридаги тегишли илмий-техник кенгашларга йўналтирилади.

45. Ёпиқ мавзудаги (махсус йўналишдаги) илмий-тадқиқот лойиҳаларига эълон ва танловлар давлат буюртмасига қўйилган талаблар доирасида маҳфий иш юритиш талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Ёпиқ илмий-тадқиқот лойиҳаларига эълон ва танловлар очиқланмайди. Танловда иштирок этиш учун таклифлар лойиҳа талабномалари, олдиндан белгиланган ижрочи ташкилот бўлмаган тақдирда, буюртмачи томонидан маҳсус алоқа каналлари орқали қабул қилишнинг тегишли даражасига эга ташкилотларга юборилади.

46. Халқаро битимлар доирасида амалга ошириладиган тематик ёки ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларига эълон ва танловлар ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари талабномаларига қўйиладиган талаблар

47. Лойиҳа талабномасида лойиҳани амалга оширадиган илмий жамоа таркибиға киритилган ижроҷилар сони, шунингдек, лойиҳанинг асосий ижроҷилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар кўрсатилиши керак.

48. Лойиҳани амалга ошириш бошланган вақтда тузилган илмий жамоанинг ўртacha ёши, қоида тариқасида, 45 ёшдан ошмаслиги керак. Тадқиқот гурухининг ўртacha ёши ижроҷилар ёшининг арифметик ўртacha даражаси сифатида ҳисобланади.

49. Академик ва илмий алмашинувни рағбатлантириш, академик ҳаракатчанлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун 45 ёшгача бўлган ёш олимларнинг миллий (республика) илмий ва хорижий таълим муассасаларига қисқа ва узоқ муддатли хизмат сафарлари (жумладан илмий анжуманларда иштирок этиш) лойиҳа талабномаларга киритилиши мумкин.

Хизмат сафарининг мақсади илмий-тадқиқот лойиҳаси календарь режасига мос келиши ва лойиҳа кўрсаткичларининг бажарилишига хизмат қилиши лозим.

50. Фундаментал илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун лойиҳа талабномасига қўйиладиган асосий талаб илмий жамоа ва лойиҳани амалга оширувчи ташкилотнинг фалсафа доктори ёки фан доктори илмий унвони бўйича илмий гуруҳ аъзоларидан камида биттаси томонидан илмий диссертация тайёрлаш ва ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

51. Амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда саноат ёки тармоқ томонидан ҳамкорликда молиялаштиришга қизиқиш бўлган тақдирда, лойиҳа талабномаларига саноат ёки тармоқ ҳамкори тўғрисидаги маълумот ва унинг молиявий иштироки (ҳамкорликда молиялаштириш) ҳажми ва турларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

52. Ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, шунингдек, илмий изланувчилар институтини ривожлантириш учун илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун илмий-тадқиқот гуруҳига илмий стажёр лавозими киритилиши лозим.

53. Ижрочи ташкилотлар лойиҳани тўлиқ ёки қисман амалга ошириш учун хорижий олимларни ва хорижий илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайдиган мутахассисларни, таълим муассасаларини, ташкилотларни ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилиши мумкин.

54. Ҳар бир лойиҳа талабномаси Буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган шаклларга мувофиқ тузилган куйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:

илмий-тадқиқот гуруҳининг таркиби ҳар бир лавозимга талаблар тавсифи билан;

ложиҳа маблағларининг илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурс базасини (бинолар, жиҳозлар, инвентарлар, дастурий таъминот, маълумотлар базалари, маълумот манбалари ва бошқалар) шакллантиришга йўналтирилганлиги (камида 40 фоиз миқдорида), илмий жамоа учун яратиб бериладиган шарт-шароитлар мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар;

ушбу ишларни амалга ошириш билан шуғулланадиган тадқиқот гурухи аъзолари билан ишлашнинг кетма-кетлигини тавсифловчи календарь режа;

харажатлар йўналишлари кўрсатилган, зарур молиялаштириш ҳажми ва муддатларини акс эттирувчи молиявий режа ва ҳисоб-китоблар;

тадқиқотнинг кутилаётган натижаларини қўллаш соҳаси кўрсатилган ҳолда унинг асосий натижалари тавсифи.

55. Лойиҳа ва тадқиқот турига қараб, лойиҳа талабномалари таркибига кўйиладиган талабларнинг тўлиқ рўйхати Буюртмачи томонидан белгиланади, тасдиқланади ва расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда, бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

6-боб. Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва лойиҳа талабномаларини танлов асосида саралаб олиш тартиби

1-§. Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва лойиҳа талабномаларини танлов асосида саралаб олишга қўйилган умумий талаблар

56. Тематик лойиҳалар танловига ҳужжатлар топшириш муддатининг охирги санасигача танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб берадиган камида иккита лойиҳа талабномаси келиб тушган бўлса, танлов ҳақиқий деб ҳисобланади. Бу ҳолда лойиҳа талабномалари экспертиза ва кейинги танлов учун юборилади.

57. Агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса, у ҳолда танлов бўлмаган деб ҳисобланади. Бу ҳолда

Буюртмачи ушбу лойиҳа бўйича бир хил шартлар ва талаблар асосида қайта танлов ўтказиши шарт.

58. Агар лойиҳаларнинг техник экспертизаси натижаларига кўра, Буюртмачи барча лойиҳаларни рад этса ёки битта ҳужжат талабномаси танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, танлов бўлмаган деб топилади ва қайта танлов эълон қилинади.

59. Танлов ҳужжатлари шартларини ўзгартирмасдан, қайта танловда янги таклифларни қабул қилиш муддати камида ўн иш куни деб белгиланади. Агар қайта танловга муқобил лойиҳа талабномаси келиб тушмаса, дастлабки босқичда танловга келиб тушган битта лойиҳа Буюртмачи томонидан сұхбат асосида аризачи билан музокара ўтказилиб, ижобий хулоса натижасига кўра белгиланган тартибда кейинги босқичга йўналтирилади.

60. Олинган лойиҳа талабномаларининг экспертизаси Буюртмачи томонидан ташкил қилинади. Бунда дастлаб техник ва кейинчалик илмий экспертизани ўтказиш йўли билан якуний хулоса шакллантирилади.

2-§. Лойиҳа ҳужжатларининг техник экспертизаси

61. Қабул қилинган барча турдаги лойиҳа ҳужжатларининг техник экспертизаси Буюртмачи томонидан амалга оширилади. Техник экспертизани ўтказиш муддати лойиҳа талабномалари учун ҳужжатларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмаслиги керак.

62. Техник экспертиза тақдим этилган ҳужжатларнинг Буюртмачи томонидан тасдиқланган талабларга мувофиқлигини, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларига кўра тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилишда хатоларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

63. Техник экспертиза қўйидаги тартибларни ўз ичига олади:

талабномага илова қилинган шаклларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини, зарур имзо, муҳр ва штампларнинг мавжудлигини текшириш;

илгари топширилган лойиҳа талабномасига ўхшаш ёки шу мавзуда бажарилган лойиҳаларнинг мавжудлиги ва лойиҳа талабномаларининг тақрорланишини аниқлаш;

тақдим этилган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар мавжудлигини ўрганиш;

ложиҳа талабномасига кўра, ҳар тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни текшириш, техник хатолар ва ноаниқликлар йўқлигини текшириш.

64. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича техник экспертизанинг ижобий хулоаси бўлган тақдирда, ҳужжатлар тўплами Буюртмачи томонидан илмий экспертизани ўтказиш учун Буюртмачи хузуридаги фан йўналишлари бўйича тегишли илмий-техник кенгашларга юборилади.

65. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича техник экспертизанинг салбий хулоаси мавжуд бўлган тақдирда, Буюртмачи лойиҳани тақдим этган

муассасага (ташкilotга) бу ҳақда ёзма равища маълум қилади. Буюртмачи томонидан камчиликларни бартараф этиш учун уч иш кунидан кам бўлмаган муддат белгиланади.

Буюртмачи лойиҳа талабномада кўрсатилган тартибда асослантирилган хulosани тегишли ташкilotга (муассасага) етказади.

Агар лойиҳа тақдим этган ташkilot (муассаса) Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган тақлифларни белгилangan муддатда тақдим этмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади ва илмий экспертизадан ўтказилмайди. Мазкур ҳолатда лойиҳа ҳужжатлари уни тақдим этган ташkilotga (муассаса) қайтариб юборилмайди ҳамда қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда Буюртмачида сақланади. Лойиҳани тақдим этган ташkilot (муассаса)нинг ёзма мурожаатига асосан лойиҳа ҳужжатлари Буюртмачи томонидан қайтарилиши мумкин.

66. Танловга битта лойиҳа тақдим этилган ҳолларда лойиҳаларни алоҳида тартибда кўриб чиқиш учун Буюртмачининг буйруғига биноан Буюртмачининг таркибий бўлинмаларининг масъул ходимларидан камида беш кишидан иборат таркибда ишчи гурух тузилади.

Ишчи гурух беш иш куни ичida ягона иштирокчининг лойиҳасини кўриб чиқади ва унинг танлов тақлифларини таққослайди.

Индивидуал тартибда кўриб чиқилаётган лойиҳа ушбу мавзу бўйича илмий изланишларнинг ҳозирги босқичида талабга эга бўлиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг, шу жумладан тижоратлаштириш имкониятига эга бўлган якуний тайёр маҳсулот технологияларига йўналтирилган лойиҳаларнинг эҳтиёжларига жавоб бериши керак.

Текшириш натижаларига кўра, ишчи гурух лойиҳани илмий-техник кенгашда кўриб чиқиш учун асос бўлган тегишли баённи тасдиқлайди.

3-§. Лойиҳаларнинг илмий экспертизаси

67. Давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳалар давлат илмий экспертизасидан ўтказилиши шарт.

68. Лойиҳа талабномаларининг илмий экспертизаси тегишли соҳалардаги фан йўналишлари бўйича тегишли илмий-техник кенгашлар (ИТК) томонидан амалга оширилади.

Эксперт сифатида тегишли соҳада етарли даражада билим ва малакага эга бўлган, экспертиза қилинаётган ишга холис ёндоша оладиган, илмий даражага эга бўлган мутахassislar жалб қилинади.

Илмий экспертизани ўтказишга чет эл мутахassislari жалб этилиши мумкин.

ИТК ва экспертлар ўтказилган экспертиза хulosаларининг холислиги юзасидан шахсан жавобгардирлар.

69. Илмий экспертиза лойиҳанинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини, уни техник жиҳатдан амалга ошириш имкониятларини, шу жумладан моддий-техник базанинг етарли эканлиги, илмий салоҳиятнинг ва илмий жамоанинг илмий натижалари мавжудлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

70. Илмий экспертиза куйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

экспертларнинг мустақиллиги;

илмий лойиҳани илмий ёндашув асосида, холис, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш;

экспертиза натижаларининг асослантирилганлиги;

экспертларнинг чукур билимга эгалиги, юқори даражада профессионал ва касбий маҳоратга эгалиги;

давлат, хизмат ва тиҷорат сирларига риоя қилган ҳолда экспертиза натижаларининг очиқлиги;

жамоат, техника ва экологик хавфсизликка, миллий ва халқаро стандартларга риоя қилиш.

71. Илмий экспертизани амалга ошириш жараёнида унинг натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қатнашишига йўл қўйилмайди.

72. Илмий экспертиза муддати Буюртмачи томонидан ИТКга лойиҳа келиб тушган санадан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

73. Лойиҳа талабномаларининг илмий экспертизаси икки босқичда ўтказилади.

74. Илмий экспертизанинг биринчи босқичида лойиҳа талабномаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичидан иккита эксперт бўйича таклиф Буюртмачига киритилади. Буюртмачи томонидан эксперталар рўйхатга олингандан сўнг, эксперталарга лойиҳалар кўриб чиқиш ва баҳолаш учун тақдим қилинади.

Экспертларга қўйиладиган талаблар, уларни танлаш ва экспертизага тайинлаш тартиби Буюртмачи томонидан белгиланади.

75. Эксперталар лойиҳа талабномасини 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқади. Текширув натижаларига кўра, ҳар бир эксперт лойиҳа бўйича ўзининг эксперт хулосасини беради ва уни 100 баллик шкала бўйича баҳолайди, бунда 0 балл – энг паст кўрсаткич, 100 балл – энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Агар иккала эксперт лойиҳа талабномасини 60 баллдан паст баҳоласа, лойиҳа талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар экспертларнинг фақат биттаси лойиҳа талабномасини 60 баллдан юқори баҳолаган бўлса, ИТК учинчи эксперт томонидан қўшимча экспертиза

тайинлайди. Агар учинчи экспертнинг баҳоси 60 балдан паст бўлса, лойиҳа талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар иккала эксперт ҳам лойиҳа талабномасини 60 балдан юқори баҳолаган бўлса, у илмий экспертизанинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Бунда агар эксперт баҳоларидаги фарқ 25 балдан юқори бўлса, ИТК экспертиза натижаларини аниқлаштириш учун учинчи экспертни қўшимча экспертиза учун тайинлайди.

Лойиҳа талабномасининг якуний эксперт баҳоси барча эксперт баҳоларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

Илмий экспертизанинг биринчи босқичидан ўтган лойиҳа талабномалар, эксперт баҳолаш натижаларига кўра илмий экспертизанинг иккинчи босқичи учун ИТКга юборилади.

Экспертизадан ўтмаган лойиҳалар Буюртмачига қайтарилади. Буюртмачи лойиҳа бўйича лойиҳа талабномаси олинган ташкилотга (муассасага) ёзма равишда асослантирилган рад этиш хулосасини тақдим қиласди.

Бунда Буюртмачи рад этиш қарорига лойиҳани кўриб чиқсан экспертларни кўрсатмаган ҳолда эксперт хулосаларини илова қиласди.

76. Илмий экспертизанинг иккинчи босқичида лойиҳалар ИТК йиғилишида очик муҳокама (тақдимот) шаклида кўриб чиқилади. Илмий лойиҳанинг раҳбари илмий лойиҳа тақдимоти билан ИТК йиғилишларида қатнашади. ИТК аъзолари тадқиқот лойиҳаси ва лойиҳани қўллаш мавзуси бўйича саволлар бериш хуқуқига эга.

77. Тақдимот ва очик муҳокаманинг натижаларига кўра, овоз бериш хуқуқига эга ИТК аъзолари лойиҳа талабномасини 100 балл тизимидан фойдаланган ҳолда баҳолайди, бунда 0 балл энг паст баҳо ва 100 балл энг юқори баҳо ҳисобланади. ИТК аъзоларининг баҳолари йиғилиш баённомасида қайд этилади. ИТК томонидан лойиҳа таклифининг якуний баҳоси ИТК аъзолари баҳоларининг ўртача арифметик қиймати билан белгиланади.

Лойиҳа талабномасини баҳолаш жараёнида лойиҳани амалга оширишни режалаштирилаётган тадқиқотчилар гурухи раҳбари ва аъзоларининг қатнашишига йўл қўйилмайди.

78. ИТК йиғилишининг қоидалари ва қарорларини қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги илмий-техник кенгашлар тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

79. ИТК томонидан якуний баҳоси 60 ва ундан юқори балл бўлган тақдирда, лойиҳа талабномаси илмий экспертизанинг иккинчи босқичидан ўтган деб ҳисобланади.

80. Ҳар бир лойиха талабнома бўйича илмий экспертиза якунлангач, ИТК хulosса ва тавсиялар беради. ИТК қарорлари ва хulosалари йиғилиш баёни шаклида тузилиб, раис томонидан тасдиқланади.

81. ИТК аъзоси баҳолаш жараёнида кўпчиликнинг фикрига қўшилмаса, ўзининг алоҳида фикрини билдиришга ҳақли. ИТК аъзосининг алоҳида фикри йиғилиш баённомасига киритилади.

82. ИТК ўхшаш мавзулар ва йўналишлар бўйича бирлаштирган, уларни бажариш жараёнини мақбуллаштириш мақсадида иш ҳажми ва харажатларни аниқлайдиган режалаштирилган ишларни тўғрилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мумкин.

83. ИТК экспертизаси натижалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилганидан сўнг ўн кун ичida коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Коллегиал орган лойиха буюртмаларини тўғри ва холис баҳолаганлигини текшириш мақсадида қўшимча экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Қўшимча экспертиза ўтказиш тартиби коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

Коллегиал орган ИТК раисларини қабул қилинган қарорларга тушунтириш беришни сўраб муҳокамага таклиф қилишга ҳақли.

Зарур ҳолларда, лойиха талабномаси илмий экспертиза жараёнида ишлаб чиқилган хulosса ва тавсиялар асосида, шунингдек коллегиал органнинг кўрсатмасига мувофиқ ИТК томонидан қайта ишланиб, унинг мавзуси ва таркибиға қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тавсиялар билан Буюртмачига тақдим этилиши мумкин.

Бунда ИТК томонидан бир маротаба лойиха раҳбарига уч иш куни ичida тегишли ўзгартиришлар қилишга рухсат берилади, ўзгартирилган лойиха қайта экспертиза ва муҳокамадан ўтказилади. ИТК баёнида ва унинг қарор қисмида лойиха талабномасини қайта ишлаш билан боғлиқ барча жараёнлар тўлиқ асослантирилиши лозим.

84. Ижобий баҳолангандан молиялаштиришга тавсия этилган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг якуний рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор коллегиал орган томонидан ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида қабул қилинади.

85. Ижобий баҳолангандан лойиҳаларни тасдиқлаш бўйича коллегиал орган йиғилишида низо юзага келган тақдирда, коллегиал орган қарори билан лойиҳалар Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашида кўриб чиқиш учун йўналтирилиши ва бунда ИТК раиси томонидан тақдимот ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик кенгаши бир ой муддатда лойиха бўйича, шу жумладан лойиҳаларни молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш бўйича ўз тавсияларини коллегиал органга тақдим этади.

86. Буюртмачи коллегиал орган қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўн беш кун муддатда илмий-тадқиқот лойиҳасининг ижрочи ташкилоти билан белгилангандан тартибда шартнома имзолаши зарур.

Шартномада молиялаштириш шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари назарда тутилиши лозим.

Шартномаларнинг намунавий шакллари, шу жумладан илова қилинган шакллар, жадваллар ва бошқа материаллар буюртмачи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

7-боб. Лойиҳалар бўйича ўтказиладиган илмий экспертизани баҳолаш мезонлари

87. Давлат буюртмасини амалга ошириш доирасида илмий-тадқиқот лойиҳалари танловига тақдим этилган лойиҳа талабномасининг илмий-техник даражасини баҳолаш куйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) фундаментал тадқиқотлар учун:

ташаббускор лойиҳаларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги;

LOYIҲAНИNG MaҶSADLI TANLOV MAвZUSI VA SHARTLARIГA MUVOFIҚLIGI;

MAвZUNING DOLZARBLIGI, TADҚIҚOTNING YANGILIГI VA UШBU ЙЎNALIШDA ILMIIY NATIЖALARNING MAвJUDLIGI VA DAРАJASI ҲAMDA YANGI BILIMLARНИ OЛИSH, YANGI NАЗARIЯLAR, USULLAR, TUШUNЧALARNI YATISHGA ҚARATIЛGANLIGI;

TADҚIҚOT MAвZUSI BЎYICHA ZARUR ILMIIY SALOХIYAT VA ILMIIY MAЉUMOTLARNING MAвJUDLIGI (ЮҚORI MALAKALI OLIMLAR JAMOASI, SҮNGGI BEШ ЙИЛ ИЧИДА НАШР ЭТИЛГАН ILMIIY НАШРЛАРНИNG SONI VA СИФАТИ, ПАТЕНТЛАРНИNG MAвJUDLIGI, ETAKCHI MILLLIЙ VA HORIJJIЙ ILMIIY MARКАZLAR BИLAN ҲAMKORLIKNNING MAвJUDLIGI VA BOШҚALAP);

LOYIҲA IJРОЧИЛАРИ TARKİBIDA 35 ёшгacha бўлган ёш OLIMLARНИNG MAвJUDLIGI, УЛАРНИNG SONI VA СИФАТ XУСУСИЯTLARI;

ZARUR MODDIY-TEХNIK BАЗАДАН (BINOLAP, JIХOZLAP, INVENTARLAP, DASTURIY TAМMINOT, MAљUMOTLAP BАЗASI, AHBOROT REСURSLARI VA BOШҚALAP) FOЙDALANIШ IMKONIYATI;

б) амалий лойиҳалар учун:

TADҚIҚOTNING ILMIIY YANGILIГI, AMALIIY MUAMMOLARNI ҲAL ҚILIШ UЧUN YANGI USULLARNI ЎРГANIШNINh KUTILAЁТGAN SAMARASI;

TADҚIҚOT NATIЖALARINI TIЖORATLAШTIРИШ IMKONIYATI, SHU JUMLADAN CAНОАТ ҲAMKORI VA LOYIҲAНИ AMALGA OШIRISHDAGI TOMONLAP ҲИССАСINI BAҲOЛАШ;

LOYIҲAНИ AMALGA OШIRISH NATIЖASIDA KUTILAЁТGAN NATIЖALAP: ILMIIY-TEХNIK HУЖJATLAP TЎPLAMINI (TEХNOLOGIK ёКИ LABORATORIЯ REGLAMENTLARI, TEХNIK PASPORT, TEХNIK SHARTLAP, LOYIҲAЛАSH HУЖJATLARI VA BOШҚALAP), ЭКСПЕРИМЕНТАЛ (LABORATORIЯ, ISHLAB CHIҚARIШ, KLINIK) SINOVLARNI ўTKAZISH UЧUN YANGI ёНДАШУVLAP VA USULLARNI ISHLAB CHIҚISH;

зарур салоҳият – илмий (ушбу масала бўйича юқори малакали олимлар жамоаси) ва моддий-техник ресурслар (асбоблар, ускуналар, материаллар ва бошқа воситалар)нинг мавжудлиги;

лойиҳа ижрочилари таркибида 35 ёшгача бўлган ёш олимларнинг мавжудлиги (докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар, бакалаврлар);

лойиҳа ижрочиларининг илмий салоҳияти: илмий нашрларнинг мавжудлиги (хорижий нашрларда мақолалар, патентлар ёки бошқа илмий хужжатлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари, дастурий маҳсулотлар), шунингдек, сўнгги беш йил ичида нашр этилган халқаро ва миллий конференцияларда илмий мақола ва тезислар;

в) инновацион лойиҳалар учун:

loyiҳani амалга оширишдан кутилаётган натижалар: импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш (тайёрлаш) учун илмий-техник хужжатларни ишлаб чиқиши (тасдиқлаш) режалаштириш;

loyiҳani тижоратлаштириш истиқболлари ва саноат ҳамкори даражасини ва loyiҳani амалга оширишга кўшган ҳиссасини баҳолаш (маҳсулот маълум бир истеъмолчи учун мос бўлган бозорга кириш ва аниқ истиқболга эга бўлиши керак);

инновация обьектига талаб даражаси: маҳсулотга (технология, ишланма) талаб – саноат ҳамкори ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан loyiҳani амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратища кафолатлар мавжудлиги (loyiҳani амалга оширишга қизиқиш, зарур материаллар ёки бошқа манбаларни тақдим этища иштирок этиш);

муҳофаза қилинадиган хужжатларнинг мавжудлиги: патент (дастурий маҳсулот учун гувоҳнома) ва таклиф қилинаётган маҳсулот (технология) учун илмий-техник хужжатларнинг тўлиқ тўплами ёки техник регламент, синов сертификати, техник шартлар, эълон қилинган илмий мақолалар, патентга (дастурий маҳсулотга) топширилган талабнома (сертификат) ва ишлаб чиқарилган лаборатория регламентлари, лаборатория синовлари;

loyiҳa ижрочиларининг тегишли илмий-техник ёки инновацион фаолият ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича амалий тажрибасининг мавжудлиги: маҳсулот тажриба намунасининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг илмий-техник ёки ишчи тажриба-технологик хужжатлари ва/ёки маҳсулотнинг лаборатория, тажриба намунасининг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш базасининг технологик жиҳатдан таъминланганлик даражаси: ишлаб чиқариш базаси, асбоблар, ускуналар ва бошқа зарур инфратузилма мавжудлиги ёки режалаштирилаётганлиги (loyiҳani амалга ошириш пайтида), шунингдек, маҳаллий ресурслар (хом ашё ва бутловчи қисмлар) билан таъминланганлиги (мавжудлиги).

8-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини давлат буюртмаси асосида молиялаштириш

88. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратилган ҳамда шу мақсадлар учун жалб қилинган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда тармоқ ва саноат корхоналари муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари тармоқ ва саноат корхоналари билан келишувлар асосида шерикликда молиялаштирилиши мумкин.

89. Ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳасини мустакил эксперталар томонидан илмий экспертизадан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг ярмига teng ҳажмда гонорар тўланади.

90. Ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари, тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамда турларини аниқлаш тартиби Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар илмий изланишлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва натижада юқори қийматга эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

Харид қилинган илмий асбоб-ускуналар негизида ноёб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари ташкил этилиши мумкин.

9-боб. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини мониторинг қилиш

91. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари мониторинги уларнинг тасдиқланган режасига кўра бажарилишини, молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини, белгиланган муддатларда ҳисботлар тақдим этилишини ва олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Давлат буюртмаси асосида амалга оширилаётган илмий лойиҳаларнинг натижалари мониторинги Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

92. Ижрочи ташкилотлар давлат буюртмаси асосида амалга оширилган лойиҳаларнинг ҳисботларини (оралиқ ва якуний) Буюртмачига шартномаларда белгиланган муддатларда тақдим этади.

Саноат ҳамкорлари иштирокида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича тайёрланган ҳисботлар саноат ҳамкорлари томонидан ҳам тасдиқланган бўлиши лозим.

93. Буюртмачи ҳисоботларни қабул қиласы, шунингдек, давлат буюртмасини бажариш бўйича ахборот ва бошқа таҳлилий материалларни тайёрлайди ҳамда тегишли ИТКга тақдим этади.

Ҳисоботлар ва молиявий-иктисодий масалалар бўйича таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва фикр бериш буюртмачи томонидан амалга оширилади.

94. Буюртмачи фан йўналишлари бўйича илмий-техник кенгашлар билан биргаликда зарур ҳолларда мустақил эксперт ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, лойиҳаларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширади.

Мониторинг қуидаги шаклларда амалга оширилади:

тақдим этилган ҳисоботларни эксперtlар томонидан кўриб чиқиш;

ИТК йиғилишларида илмий-тадқиқот лойиҳаси раҳбари томонидан ҳисоботларни ҳимоя қилиш;

зарур ҳолларда лойиҳани бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганиш, бунда қуидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратиш:

илмий-тадқиқот ишларининг лойиҳа бўйича имзоланган шартнома ва унинг календарь режасига асосан бажарилиш ҳолати;

ижрочи ташкилот томонидан илмий-техник лойиҳанинг амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги;

ажратилган молиявий маблағнинг мақсадли сарфланаётганлиги;

илмий лойиҳалар натижалари бўйича етакчи хорижий журналларда мақолалар чоп этиш борасида эришилган натижалар ва уларнинг мавжуд салоҳиятга нисбатан қиёсий таҳлили;

ҳар бир лойиҳа доирасида қўлга киритиладиган якуний натижалар ва уларни тижоратлаштириш имкониятлари.

95. Буюртмачи томонидан ижрочи ташкилот билан келишилган ҳолда оралиқ ҳисоботларни мониторинг қилиш ҳамда қабул қилиш жараёнида, агар саноат ҳамкори мавжуд бўлса, тадқиқот дастурига ва келишув шартларига аниқликлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

96. Белгиланган ишларнинг алоҳида босқичларининг режалаштирилган ҳажмларини ўз муддатида бажармаслик, шунингдек, ҳисоботларни топшириш муддатларини ва молиявий интизомни бузиш Буюртмачининг ташаббуси билан молиялаштиришни тўхтатилишига ва шартномани бекор қилинишига асос бўлиши ва ижрочи ташкилотга нисбатан тегишли чоралар кўришга олиб келиши мумкин.

97. Давлат буюртмаси асосида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мониторинги натижалари бўйича ИТК хulosалари Буюртмачи томонидан илмий йўналишларнинг истиқболини белгилаш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришни давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

98. Илмий-тадқиқот лойиҳасини молиялаштиришни тұхтатиши тұғрисидаги қарор коллегиал орган томонидан ИТК холосаси асосида ёки лойиҳани амалга оширувчи ташкилот талабига биноан қабул қилинади.

99. Агар келишмовчилік ёки фарқли натижа ижрочи ташкилотта маълум бўлса, бу ҳақда беш кун ичидаги буюртмачига маълум қилиниши керак.

Буюртмачи тақдим этилган ҳужжатлар асосида (бидиришнома, тадқиқот лойиҳалари тұғрисидаги ҳисобот), аниқланған ўзгаришлар ёки олинган натижалар кутилганидан ўзгача бўлса, лойиҳаларни келгусида молиялаштириш ёки лойиҳанинг мақсадли параметрларини қайта расмийлаштириш тұғрисида қарор қабул қиласи.

Буюртмачи тақдим этилган ҳужжатлар (ариза-хабарнома, ҳисобот илмий-тадқиқот лойиҳалари) асосида кутилган натижалардан фарқли ўлароқ, натижалар илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлмаганлиги аниқланған бўлса, илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришни тұхтатиши тұғрисида қарор қабул қиласи.

Молиялаштирилиши тұхтатилган лойиҳалардан бўшаган маблағлар мазкур лойиҳалар амалга оширилган ижрочи ташкилотда муваффақиятли амалга оширилаётган бошқа илмий лойиҳа(лар)га (бунда лойиҳанинг календарь режасига қўшимча маблағ ҳисобидан амалга ошириладиган ишларни назарда тутган ҳолда ўзгартыриш киритилиши лозим) ёки янги истиқболли амалий ва инновацион лойиҳа(лар)ни, шу жумладан ижрочи ташкилот томонидан тайёрланған лойиҳа(лар)ни молиялаштиришга йўналтирилади.

Бунда янги истиқболли амалий ва инновацион лойиҳа(лар)ни амалга ошириш муддати молиялаштирилиши тұхтатилган лойиҳа(лар)нинг яқунланиш муддати билан мос бўлиши лозим.

Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳисоботлари буюртмачи томонидан мажбурий электрон рўйхатга олиниши лозим.

10-боб. Давлат буюртмаси асосида амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳалари натижаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш тартиби

100. Давлат буюртмаси асосида амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳалари натижалари ҳужжатлаштирилади ва Буюртмачига шартномага мувофиқ ГОСТ 7.32-2001 давлатлараро стандарти талабларига мувофиқ тузилган тадқиқот ҳисоботи ёки илмий-техник маҳсулотлар шаклида тақдим этилади.

101. Илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ижрочи ташкилоти томонидан Буюртмачига куйидагилар тақдим этилади:

илмий-тадқиқот лойиҳалари ижрочи ташкилотининг расмий бланкидаги йўлланма хати;

тадқиқот лойиҳалари ҳақида ҳисобот;

давлатлараро стандарт талабларига мувофиқ тузилган ГОСТ 7.9-95 “Хулоса ва аннотация. Умумий талаблар” реферат.

102. Илмий-тадқиқот лойиҳалари натижалари тўғрисидаги маълумот илмий-тадқиқот лойиҳалари ижрочи ташкилоти томонидан тузилган реферат шаклида давлатлараро стандарт ГОСТ 7.9-95 талабларига мувофиқ Буюртмачининг электрон маълумотлар базасига киритилади.

103. Давлат буюртмаси асосида тўлиқ амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳасини қабул қилиш тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади, улар томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

11-боб. Давлат буюртмаси асосида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари натижаларига бўлган хуқуқлар

104. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига илмий фаолият субъектлари томонидан олинган интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуқ давлатнинг илмий ва олий таълим, шунингдек, бошқа давлат муассасалари номидан, агар интеллектуал мулк обьектлари муаллиф (муаллифлари) билан тузилган шартномаларда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлатга тегишли бўлади.

105. Давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан ва интеллектуал мулк обьектларига мутлақ эгалик хуқуқидан олинган даромад уларнинг тасарруфига мустақил ишлатиш хукуки билан ўтказиб берилади.

Давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ёки давлат сири ҳисобланган маълумотларни қамраб оловчи интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштириш конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12-боб. Якунловчи қоидалар

106. Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг (ёш олимлар лойиҳалари бундан мустасно) илмий раҳбарлари илмий даражага эга бўлиши шарт.

Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳар бир ижочиси фақат бир лойиҳада тўлиқ ставкада ва икки лойиҳада ўриндош сифатида иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг умумий улуши икки тўлиқ ставкадан ошмаслиги лозим.

107. Лойиҳа раҳбарлари ижрочи ташкилотларнинг раҳбарлари билан бир қаторда бажариладиган тадқиқотларнинг илмий-техник савияси, ҳисботларни белгиланган муддатларда топширилиши, шунингдек, молиявий маблағларнинг самарали ва мақсадли сарф қилиниши учун шахсан жавобгар бўлади.

108. Ижрочи ташкилот лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратади, ҳисботларни илмий ёки илмий-техник кенгашда

муҳокама қилади, лойиҳа раҳбарининг таклифига кўра, тадқиқотларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш учун “вақтингчалик илмий жамоа” ташкил этади. Жамоага бошқа ташкилотларнинг ходимлари ҳам аъзо бўлиши мумкин. Ташкилот раҳбари лойиҳа раҳбарини жамоа раҳбари этиб тасдиқлади.

109. Ижрочи ташкилот лойиҳа илмий раҳбари узоқ муддатга бетоблиги сабабли иш қобилиятини йўқотган, доимий истиқомат қилиш учун республикадан четга чиқиб кетган, ўз аризасига кўра илмий раҳбарликдан воз кечган ёки қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда, Буюртмачига лойиҳа илмий раҳбарини алмаштириш бўйича таклиф (ташкилот раҳбарининг йўлланма хати, ташкилот илмий ёки илмий-техник кенгashi қароридан кўчирма ва тавсия этилаётган янги лойиҳа раҳбари тўғрисида маълумот) киритади.

110. Лойиҳа илмий раҳбари бошқа жойга ишга ўтган ҳолларда ушбу лойиҳанинг амалга оширилиш жойи (ижрочи ташкилот) ўзгартирилмайди.

111. Ижрочи ташкилотнинг қонун хужжатларида кўрсатилган фаолияти тўхтатилганда, фаолияти тўхтатилган ташкилотдаги лойиҳалар илмий йўналиши мос бошқа ташкилотга ўтказилади.

112. Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ёш олимларнинг илмий лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Ёшлар академияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Ёш олимларнинг илмий-тадқиқот лойиҳаларида илмий даражаси, унвони, мансаби ва иш жойидан қатъи назар, 40 ёшгача бўлган ёш олимлар иштирок этишлари мумкин.

113. Ушбу қоида талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

114. Давлат буюртмаси бажарилишини аниқ шартлари ва тартиби тегишли шартнома билан тартибга солинади.

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тұғрисидаги низомга 1-илова

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасыда тематик илмий-тадқиқот лойихаларини шакллантириш тартиби СХЕМАСИ

Боскич-лар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринндарда Буюртмачи деб аталади)	Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш учун таклифлар киритиш юзасидан давлат бошқаруви органлари, хұжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда илмий фаолият субъектларига сүров юборади.	Мунтазам равища
2-боскич	Давлат бошқаруви органлари, хұжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектлари	Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва худудларнинг мавжуд муаммолари, тиқоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот / технологияларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қиласи ва давлат буюртмасига киритиш учун асосланган таклифлар ишлаб чиқади ҳамда Буюртмачига тақдим этади.	Буюртмачи сўровига асосан ёки ташаббус тартибида
3-боскич	Буюртмачи	<ol style="list-style-type: none"> Келиб тушган таклифларнинг йиғма рўйхатини шакллантиради, уларнинг такрорланишининг олдини олиш максадида, шунингдек, амалга оширилаётган ва аввал амалга оширилган лойихаларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқади. Тематик илмий-тадқиқот лойихалари бўйича таклифларни кўриб чиқади, лойиха таснифи ва унга кўйиладиган талабларни ишлаб чиқади. Илмий-тадқиқот лойихаларига давлат буюртмасини тасдиқлайди ва ўзининг расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қиласи. 	<p>Таклиф(лар) қабул қилингандан бошлаб 30 кун давомида</p> <p>Бир ҳафта муддатда</p>
4-боскич	Буюртмачи	<ol style="list-style-type: none"> Қабул қилинган илмий-тадқиқот лойихаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади. Дастлабки техник экспертизанинг: <ul style="list-style-type: none"> ижобий хulosаси бўлган тақдирда, илмий-тадқиқот лойихаларини илмий экспертизадан ўтказиш учун тегишли илмий-техник кенгашга юборади; салбий хulosаси бўлган тақдирда, бу ҳақида лойихани тақдим этган муассасасага камчилликларни бартараф этиш учун ёзма равища маълум қиласи. <p>Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчилликлар бартараф этилмаса, лойиха кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади.</p> 	<p>15 кун муддатда</p> <p>3 кун муддатда</p>
5-боскич	Илмий-техник кенгашлар	<ol style="list-style-type: none"> Техник экспертиза натижаларига кўра ижобий баҳоланган илмий-тадқиқот лойихаларини илмий экспертизадан ўтказади. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади. 	Бир ой муддатда

6-босқич	Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳайъати)	<p>Молиялаштиришга тавсия этилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қиласди.</p> <p>Коллегиал орган йигилишида илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.</p>	10 кун муддатда
7-босқич	Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамоатчилик кенгаши, Коллегиал орган	<p>Илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қиласди ва йигилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади.</p> <p>Коллегиал орган томонидан Жамоатчилик кенгашининг тавсияси кўриб чиқилиб, илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор қабул қилинади.</p>	Бир ой муддатда 10 кун муддатда
8-босқич	Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳайъати)	Молиялаштиришга тавсия этилган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг якуний рўйхатини тасдиқлади.	10 кун муддатда

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси түғрисидаги низомга
2-илова

**Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли илмий-
тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш тартиби
СХЕМАСИ**

Боскич- лар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Давлат бошқаруви органдары, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат хокимияти органлари; Буюртмачи	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг хўжатлари қабул қилинганидан кейин мақсадли илмий-тадқиқот ложиҳалари бўйича таклифларни Буюртмачига тақдим этади	Хўжатлар қабул қилингани- дан кейин ўттиз кун ичида
2-боскич	Буюртмачи	1. Қабул қилинган мақсадли илмий-тадқиқот ложиҳаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади. 2. Лойиҳа хўжатлари бўйича дастлабки техник экспертизанинг: – изобий хulosаси бўлган тақдирда, хўжатлар тўплами илмий экспертизани ўтказиш учун тегишли илмий-техник кенгашга юборади; – салбий хulosаси бўлган тақдирда, бу ҳакида ложиҳани тақдим этган муассасага камчиликларни бартараф этиш учун ёзма равишда маълум қиласди. Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади.	15 кун муддатда 3 кун муддатда
3-боскич	Илмий-техник кенгашлар	1. Тақдим этилган мақсадли илмий-тадқиқот ложиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади. 2. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади.	15 кун муддатда
4-боскич	Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳайъати)	Молиялаштиришга тавсия этилган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қиласди. Коллегиал орган йигилишида мақсадли илмий- тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш билан боглиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.	10 кун муддатда
5-боскич	Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамоатчилик кенгashi, Коллегиал орган	Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қиласди ва йигилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади. Коллегиал орган томонидан мақсадли илмий- тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор қабул қилинади.	Бир ой муддатда 10 кун муддатда

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси түғрисидаги низомга
3-илова

**Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида ташаббускор илмий-
тадқиқот лойихаларини шакллантириш тартиби
СХЕМАСИ**

Боскич- лар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Инновацион ривожланиш вазиrlиги (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)	Устувор йўналишларга мувофиқ ташаббускор илмий-тадқиқот лойихаларига танлов эълон қиласди	Талабга кўра
2-боскич	Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектлари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар	Ташаббускор илмий-тадқиқот лойихалари эълонига мувофиқ лойихаларни тақдим этади. Илмий-тадқиқот лойихалари бўйича лойиха талабномаларини Буюртмачи томонидан белгиланган талаблар ва шаклларга мувофиқ тақдим этади.	Буюртмачи томонидан белгиланган талабларга кўра
3-боскич	Буюртмачи	1. Қабул қилинган ташаббускор илмий-тадқиқот лойихаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади. 2. Лойиха ҳужжатлари бўйича дастлабки техник экспертизанинг: – ижобий хulosаси бўлган тақдирда, ҳужжатлар тўплами илмий экспертизани ўтказиш учун тегишли илмий-техник кенгашга юборади; – салбий хulosаси бўлган тақдирда, бу ҳакида лойихани тақдим этган муассасага камчиликларни бартараф этиш учун ёзма равишда маълум қиласди. Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, лойиха кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади.	15 кун муддатда 3 кун муддатда
3-боскич	Илмий-техник кенгашлар	1. Тақдим этилган ташаббускор илмий-тадқиқот лойихаларини илмий экспертизадан ўтказади. 2. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади.	15 кун муддатда
4-боскич	Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазиrlигининг ҳайъати)	Молиялаштиришга тавсия этилган ташаббускор илмий-тадқиқот лойихаларини кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қиласди. Коллегиал орган йиғилишида лойихаларни молиялаштириш билан боғлиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.	10 кун муддатда
5-боскич	Инновацион ривожланиш вазиrlигининг Жамоатчилик кенгаши, Коллегиал орган	Ташаббускор илмий-тадқиқот лойихаларини молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қиласди ва йиғилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади. Коллегиал орган томонидан ташаббускор илмий-тадқиқот лойихаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор қабул қилинади.	Бир ой муддатда 10 кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “9” марта 133-сон қарорига
2-илова

**“Стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

илмий-техник кенгаш – илмий изланишларнинг асосий йўналишлари бўйича Буортмачининг илмий сиёсатини амалга оширишга ва ишлаб чиқишга, “стартап” лойиҳаларни баҳолашга, экспертиза қилишга ва натижаларини амалга ошириш ишларини мониторинг қилишга кўмаклашувчи, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, етакчи олимлар, эксперталар, мутахассислар ҳамда давлат органларининг юкори малакали мутахассисларидан иборат таркибдаги илмий-техник жамоа;

ишчи орган – “стартап” лойиҳаларни баҳолашда техник таъминлаш ва кўмаклашишни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илфор технологиялар маркази;

коллегиал орган – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳайъати;

“стартап” компания – илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини илгари суриш ҳамда тижоратлаштириш учун ташкил этиладиган юридик шахс;

“стартап” лойиҳалар – амалга ошиш хавфи юкори бўлган шароитда янги маҳсулот ёки хизмат турини яратувчи инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши, кўлами ва тез ўсиш суръати билан фарқланадиган янги бизнес лойиҳа;

талабнома берувчи (талабгор) – лойиҳа эгаси ва/ёки “стартап” лойиҳани ишлаб чиқсан шахс.

3. Ушбу Низомга мувофиқ тасдиқланган “стартап” лойиҳалар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) орқали молиялаштирилади.

“Стартап” лойиҳалар қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармага ажратилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар; қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. “Стартап” лойиҳалар танловини эълон қилиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) томонидан амалга оширилади.

5. Буюртмачи эълонга мувофиқ талабнома берувчи томонидан топширилган “стартап” лойиҳаларни хўжалик бирлашмаларига, тижорат банкларига ва венчур жамғармаларга келгусида молиялаштириш масаласини кўриб чиқиш учун тавсия қилиш хукуқига эга.

6. “Стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. “Стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш тартиби

7. Буюртмачи “стартап” лойиҳаларга бир йилда камида икки марта эълон беради. Эълон шартлари, йўналишлари ҳамда лойиҳаларни топшириш муддатлари Буюртмачининг расмий сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Лойиҳа хужжатларини қабул қилиш ишчи орган томонидан амалга оширилади. Лойиҳалар бўйича хужжатлар талабнома берувчи томонидан эълон талабларига кўра тайёрланади ва топширилади.

8. “Стартап” лойиҳалар танловида ташкилий-хукукий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, инновацион марказлар, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

9. “Стартап” лойиҳалар экспертизаси қуйидагicha уч босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич – тақдим этилган талабномаларнинг танлов шартларига мослиги юзасидан ўтказиладиган техник экспертиза;

иккинчи босқич – техник экспертизадан ўтган “стартап” лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий экспертизаси;

учинчи босқич – биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтган “стартап” лойиҳаларни илмий-техник кенгаш томонидан экспертизадан ўтказиш, илмий-техник кенгаш мажлисида кўриб чиқиш ва баҳолаш.

10. Техник экспертиза ишчи орган томонидан ўн иш куни ичida ўтказилади.

Техник экспертизадан ўтган “стартап” лойиҳалар беш иш куни ичидаги молиявий-иктисодий экспертизадан ўтказиш учун Буюртмачининг Молиявий-иктисодий ва техник экспертиза бўлимига берилади.

“Стартап” лойиҳалар бўйича молиявий-иктисодий экспертиза беш иш куни ичидаги ўтказилади.

11. “Стартап” лойиҳалар бўйича экспертиза ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан маҳсус илмий-техник кенгаш шакллантирилади.

Илмий-техник кенгаш таркибига инновацион тадбиркорлик, молия ва иктисодиёт соҳасида юқори салоҳиятли тадбиркорлар, олимлар, эксперталар, вазирлик ва идоралар вакиллари киритилади.

12. Ҳар бир “стартап” лойиҳа илмий даражага ёки тадбиркорлик тажрибасига эга бўлган иккита мустақил эксперталар томонидан ўн иш куни ичидаги кўриб чиқилади. Эксперталар таркиби илмий-техник кенгаш томонидан белгиланади. “Стартап” лойиҳа ижроқисининг ўзи иштирок этган лойиҳада эксперт бўлиб иштирок этишига йўл қўйилмайди.

13. Тақдим этилган “стартап” лойиҳалар эксперталар томонидан 100 баллик шкала асосида баҳоланади. “Стартап” лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва методикаси Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

14. Эксперталар томонидан берилган хулоса ўн иш куни ичидаги илмий-техник кенгашда ўзаро очиқ муҳокама шаклида кўриб чиқилади.

15. Талабнома берувчи (талабгор) илмий-техник кенгаш мажлисида “стартап” лойиҳа тақдимоти билан иштирок этади.

16. Илмий-техник кенгашда “стартап” лойиҳалар куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

ложиҳанинг инновационлиги – аввал қўлланилмаган технологиялар ва (ёки) жараённи ташкил этиш принциплари ёки аввал ишлаб чиқарилмаган маҳсулотнинг янги қўлланилиш даражаси;

ложиҳанинг инвестициявий жозибадорлиги – қўшимча даромад келтирадиган ҳамда уни амалга оширишда инвестициялар хавфини камайтирадиган қулай инвестицион ва инновацион шароитлар ва афзалликлар йигиндиси;

интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқнинг муҳофазаланганлиги – муҳофаза ҳужжатлари, ва/ёки илмий-техник ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти ва/ёки маҳсулотнинг (технологиянинг) техник регламенти, синов ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномалар ёки маҳсулотнинг тажриба нусхаси мавжудлиги;

ложиҳанинг ресурс билан таъминланганлиги – лойиҳани техник амалга ошириш имкониятлари (моддий-техник база, ходимлар, муҳофаза ҳужжатлари мавжудлиги ва бошқалар);

ложиҳани амалга ошириш самарадорлиги;

лойиҳа учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган илмий ҳажмдор маҳсулотларни олишни ташкил қилиш истиқболлари.

17. Илмий-техник кенгаш эксперт хulosалари ва очик муҳокама натижалари асосида “стартап” лойиҳаларни молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик юзасидан қарор қабул қиласди.

18. Илмий-техник кенгаш қарорлари ва хulosалари илмий-техник кенгаш йиғилиши баёни шаклида расмийлаштирилади ҳамда илмий-техник кенгаш котиби томонидан имзоланади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.

19. Илмий-техник кенгаш аъзоси баҳолаш жараёнида кўпчиликнинг фикрига қўшилмаса, ўзининг алоҳида фикрини билдиришга ҳақли. Илмий-техник кенгаш аъзосининг алоҳида фикри йиғилиш баённомасига киритилади.

20. Илмий-техник кенгаш экспертизасининг натижалари ишчи орган томонидан беш иш куни давомида коллегиал органга кўриб чиқиш учун киритилади. Коллегиал орган “стартап” лойиҳа тўғри ва холис экспертизадан ўтказилганлигини текшириш мақсадида қўшимча экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Қўшимча экспертиза ўтказиш тартиби коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

21. Коллегиал орган ҳар бир “стартап” лойиҳани илмий-техник кенгаш раиси ёки унинг ўринbosари иштирокида кўриб чиқилади. Коллегиал орган томонидан “стартап” лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик тўғрисидаги қарори қабул қилинади ва Вазир томонидан тасдиқланади.

22. “Стартап” лойиҳаларни молиялаштириш бўйича коллегиал орган мажлисида мунозарали ҳолат юзага келса, “стартап” лойиҳа илмий-техник кенгаш раиси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашига (кейинги ўринларда Жамоатчилик кенгаши деб аталади) кўриб чиқишига киритилиши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгаши бир ой муддат ичидаги “стартап” лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Жамоатчилик кенгашининг қарори тавсиявий аҳамиятга эга.

З-боб. Лойиҳаларни молиялаштириш тартиби

24. “Стартап” лойиҳаларни молиялаштириш коллегиал орган қарори ва Буюртмачининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

25. “Стартап” лойиҳаларни молиялаштириш Буюртмачи, талабнома берувчи (талабгор) ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Агар давлат муассасаси ёки жисмоний шахс томонидан берилган “стартап” лойиҳа коллегиал орган томонидан маъқулланса, у ҳолда

молиялаштириш тўғрисидаги шартнома ушбу “стартап” лойиҳани амалга ошириш учун очилган юридик шахс (компания) билан тузилади.

27. Молиялаштирилаётган “стартап” лойиҳалар ижрои ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илфор технологиялар маркази, Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ёки “Яшнобод” инновация технопарки резиденти мақомини олиш ҳуқуқига эга.

4-боб. “Стартап” лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш тартиби

28. “Стартап” лойиҳаларнинг ижрои ташкилотлари календарь режада белгиланган муддатларда Буюртмачига ҳисбот тақдим этади.

29. “Стартап” лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш илмий-техник кенгашни жалб қилган ҳолда, ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи орган беш иш куни муддатида мониторинг натижалари бўйича умумлаштирилган ҳисботни Буюртмачига тақдим қиласади.

30. “Стартап” лойиҳаларда белгиланган муддатда режалаштирилган ишлар бажарилмаганлиги ҳамда лойиҳалар бўйича ҳисботларни тақдим этиш бўйича муддатлар бузилиши молиялаштиришни тўхтатиш, шунингдек, “стартап” лойиҳа ижроиси ва Буюртмачи ўртасидаги шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

5-боб. Яқунловчи қоида

31. Ушбу Низом қоидаларини бузишда айланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш,
молиялаштириш ва амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
илова

“Стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш ва молиялаштириш тартибининг СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда – Буюртмачи)	Истиқболли “стартап” лойиҳаларга эълон беради ва бу ҳақда ўзининг расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон киласди.	Бир йилда камиди икки марта
2-боскич	Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектлари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар	“Стартап” лойиҳалар эълонига мувофиқ лойиҳаларни тақдим этади.	Эълон муддатларига мувофиқ
3-боскич	Буюртмачи	Тақдим этилган “стартап” лойиҳаларнинг экспертизасини амалга ошириш учун танловга тақдим этилган талабномаларнинг танлов шартларига мос эканлиги юзасидан техник ва молиявий-иктисодий экспертизадан ўтказади.	Техник экспертиза – 5 кун муддатда Молиявий-иктисодий экспертиза – 10 кун муддатда
4-боскич	Илмий-техник кенгаш	Экспертизадан ўтказади, экспертиза натижаларини таҳлил қиласди ва Буюртмачига кўриб чиқиш учун тақдим этади.	5 иш куни ичida
5-боскич	Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг хайъати)	“Стартап” лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида карор қабул қиласди. “Стартап” лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлик мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.	5 иш куни ичida
6-боскич	Жамоатчилик кенгаси	Коллегиал орган мажлисида мунозарали саволлар вужудга келган “стартап” лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштиришини рад этиш тўғрисида тавсиявий аҳамиятга эга қарор қабул қиласди.	Хужжатлар тақдим этилгандан бошлаб ўн кун муддатда
7-боскич	Буюртмачи	Ижобий баҳоланган ва молиялаштиришга тавсия этилган “стартап” лойиҳаларнинг якуний рўйхатини тасдиклайди.	Хужжатлар тақдим этилгандан бошлаб бир ой ичida

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “9” мартдаги 133-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
хузуридаги Илмий-техник кенгашлар тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Буюртмаchi деб аталади) хузуридаги Илмий-техник кенгашлар (кейинги ўринларда ИТК деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. ИТК ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, ушбу Низом, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

3. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

илмий-техник кенгаш – Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида илмий лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш мақсадида тегишли фан йўналишлари бўйича соҳага оид олимлар, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибда шакллантириладиган ва жамоатчилик асосида фаолият юритадиган илмий-техник жамоа;

илмий экспертиза – илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича асослантирилган қарор қабул қилиш мақсадида уни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва хulosса тайёрлашга қаратилган фаолият;

экспертлар – тегишли илм-фан соҳалари ва йўналишлари бўйича тақдим этилган илмий-техник лойиҳаларни, илмий-техник ва инновацион фаолият билан боғлиқ ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун илмий-техник кенгашлар томонидан шакллантирилган олим ва мутахассислардан таркиб топган илмий-техник гурӯҳ.

4. ИТК томонидан қабул қилинган қарорлар хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар бўлиб, учинчи шахсларга, манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларига, шу жумладан лойиҳа раҳбарларига тақдим этилмайди.

2-боб. ИТКнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. ИТКнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот ишлари учун давлат буюртмасига келиб тушган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг экспертизасини ташкил этиш, экспертиза натижалари бўйича асосланган хulosалар ишлаб чиқиши;

фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техник маҳсулотлар бозорини кенгайтиришга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш бўйича, шунингдек, тегишли танловларда уларнинг иштироки учун тавсиялар бериш;

Буюртмачига илмий фаолиятга оид давлат дастурларини (зарур ҳолларда халқаро ҳамкорлик дастурларини) кўриб чиқиш, такомиллаштириш, рўйхатга олиш ва тасдиқлаш бўйича тегишли илмий-техник хulosалар тайёрлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, олим ва мутахассислар, хўжалик юритувчи субъектлар, илмий-ишлаб чиқариш тузилмалари, илмий-техник марказлар ва технопарклар томонидан тақдим этилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш натижалари асосида Буюртмачига хulosса ва тавсиялар киритиш;

давлат буюртмаси доирасида муаллифлик асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг плагиатини аниқлаш ва идентификациялаш;

оралиқ ва якуний ҳисоботларни таҳлил қилиш, ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилишини мониторинг қилиш ёки лойиҳаларни тугатиш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва лойиҳаларни молиялаштиришни давом этириш бўйича Буюртмачига хulosалар киритиш;

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада илмий-тадқиқот ҳамда инновацион фаолият натижаларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;

Буюртмачининг коллегиал органида кўриб чиқиш учун ишлаб чиқилган дастурларнинг эксперт хulosаларини таҳлил қилиш ва тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидағи обьектларни ноёб илмий обьектлар рўйхатига киритиш юзасидан хulosса ишлаб чиқиш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, уларнинг натижаларини илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларига татбиқ этишда иштирок этиш, олиб борилаётган тадқиқотларни яхшилаш ва фаоллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

6. ИТК унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

давлат буюртмаси доирасидаги илмий фаолиятга оид лойиҳалар, шунингдек Буюртмачи томонидан молиялаштириладиган “стартап” лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади;

грант маблағлари олган лойиҳаларни амалга ошириш давомида олинган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади, грант маблағлари олган лойиҳаларни режалаштирилган иш босқичлари ва кўрсаткичларига мувофиқлигини аниқлайди, зарур ҳолларда режалаштирилган тадқиқотларни тартибга солиш ва керакли натижаларни олиш бўйича тавсиялар беради;

грант маблағлари олган лойиҳаларни амалга ошириш давомида олинган натижалар мониторингини амалга оширади, шунингдек, уларни патентлаш ва лицензиялаш ва ушбу лойиҳалар бўйича ҳисботларни мониторинг қилиш юзасидан тавсиялар беради;

мамлакатни илмий-техник ва инновацион ривожлантиришнинг узок муддатли концепциясини ишлаб чиқишга таклифлар тайёрлайди, шунингдек, илмий тадқиқотлар ва илфор технологияларни яратишининг устувор йўналишлари ва истиқболларини ривожлантириш, яратилган илмий-инновацион салоҳият асосида ривожланиш концепциясини амалга ошириш йўллари ва механизmlарини белгилашда иштирок этади;

давлат буюртмаси доирасида тақдим этилган хужжатлар, илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни, шунингдек, бошқа лойиҳа таклифларини илмий экспертизадан ўtkазади ҳамда экспертиза натижаларини Буюртмачининг коллегиал органига тасдиқлаш учун тақдим этади.

7. Илмий лойиҳаларнинг илмий экспертизаси фан йўналишлари бўйича тегишли ИТК томонидан амалга оширилади. Бунда илмий экспертиза муддати Буюртмачи томонидан ИТКга лойиҳа юборилган санадан бошлаб бир ойдан ошмаслиги лозим.

8. Илмий лойиҳаларнинг илмий экспертизаси бир ой мобайнида амалга оширилади. ИТК томонидан қабул қилинган қарорлар Буюртмачига беш кун ичида тақдим этилади.

9. ИТК томонидан тақдим этилган мониторинг ва ҳисбот натижалари экспертизадан ўтган лойиҳани молиялаштиришни давом эттириш, тўхтатиш ёки вазифалари ва босқичларини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

3-боб. ИТК раиси ва аъзоларининг хукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

10. ИТК раиси қуйидаги хукуқларга эга:

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларининг йиллик ва якуний ҳисботларини экспертиза учун қабул қилиш, экспертларни белгилаш, ҳисботларнинг очик муҳокамасини ташкил этиш;

мониторингни ўтказиш қоидалари бўйича экспертларга кўрсатма бериш, олинган натижаларнинг мувофиқлигини баҳолаш бўйича ишчи учрашувлар ўтказиш;

войиҳа раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш учун лойиҳаларни кўриб чиқиш жадвалини шакллантириш ва зарур ҳолларда унинг санаси ва вақтини Буюртмачи билан келишилган ҳолда кўчириш;

илмий-тадқиқот лойиҳаларига давлат буюртмасини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ИТК ва унинг экспертлар фаолиятига, шунингдек, илмий котибининг ишига раҳбарлик қилиш;

Буюртмачининг коллегиал органи ёки жамоатчилик кенгаши мухокамаларида иштирок этиш ва ИТК хulosаларини асослаб бериш.

ИТК раиси ва унинг ўринбосари илмий лойиҳалар танловида иштирок этиш ҳуқуқига эга, аммо ўз лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва мухокама қилишда иштирок этмайди.

11. ИТК раиси:

экспертиза натижаларини очиқ эълон қилмаслик, экспертиза учун тақдим этилган лойиҳаларга тегишли маълумотларни тарқатмаслик;

мониторинг ўтказиш қоидалари бўйича эксперталрга кўрсатма бериш, олинган натижаларнинг режалаштирилган ишлар ва кўрсаткичларга мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, намунавий эксперт хulosалари ва протоколларини тўлдириш бўйича ишчи йиғилишлар ўтказиш;

Буюртмачи томонидан тасдиқланган ИТК мажлислар режа-жадвали бўйича лойиҳа раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш ва мухокама қилиш, лойиҳалар бўйича эшитилган ҳисботлар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш ва уларни тасдиқлаш;

loyiҳani давом эттириш бўйича Буюртмачига тавсиялар билан бирга иш дастурини тўғрилаш ёки уларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, ИТК томонидан қабул қилинган қарорларни лойиҳа раҳбарларига етказиш;

Буюртмачининг коллегиал органида ва жамоатчилик кенгашида (зарур ҳолларда) ИТКнинг қарорлари ва илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича тавсияларни (хulosаларни) ҳимоя қилишга мажбур.

ИТК раиси ИТК қарорларининг бажарилишини назорат қиласди ва кенгашнинг навбатдаги мажлислари тўғрисида ИТК аъзоларини хабардор қиласди.

12. ИТК аъзолари (эксперталар) куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзлари аъзо бўлган ИТК йиғилишларида иштирок этиш;

илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси бўйича келиб тушган илмий-тадқиқот лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

илмий-тадқиқот лойиҳаларининг илмий-техник даражасини, уларни амалга ошириш имкониятларини холис баҳолаш, уларни молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажми бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳисбот даврида олинган илмий натижаларнинг аҳамиятини баҳолаш, лойиҳада эълон қилинган ва ҳисбот даврида олинган илмий натижаларнинг мувофиқлик даражасини баҳолаш;

илмий-тадқиқот лойиҳалари раҳбарларининг ишлар ҳолати ва лойиҳа натижалари, уларни мониторинг қилиш жараёни ҳақидаги ҳисботларини эшитиш ва мухокама қилишда иштирок этиш, улар ишида иштирок этган ИТК баённомалари билан танишиш;

илм-фан, техника ва инновация соҳасидаги олимлар ва мутахассисларни тегишли илмий лойиҳалар натижаларини мониторинг қилиш ёки таҳлил қилиш жараёнига жалб қилиш бўйича Буюртмачига таклифлар киритиш.

ИТК аъзолари илмий лойиҳалар танловида умумий асосларда иштирок этиш хуқуқига эга, лекин ўз лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва муҳокама қилишда иштирок этмайди.

13. ИТК аъзолари (экспертлар):

раис ва унинг ўринbosарининг ИТК фаолиятига тааллуқли топшириқларини бажариши, кўриб чиқилган лойиҳалар бўйича хулосаларни ўз вақтида тақдим этиши;

loyиҳалар бўйича экспертизани илмий асосланган ҳолда ва холис ўтказиши;

иш жараёнида уларга тақдим этилган маълумотларнинг ошкор этмаслиги;

экспертиза жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви ҳақида тегишли ИТКга хабар бериши;

ўзлари экспертиза қилган ёки ИТКда муҳокама қилинган лойиҳалар мазмуни, улар бўйича ҳисоботлар ва йигилиш баённомалари, уларнинг натижалари ва тадқиқот йўналишлари, эксперт хулосалари, лойиҳа манбалари ва молиялаштириш ҳажми ҳақида лойиҳа ижрочилари таркибига кирувчи ҳар қандай шахсга маълумот бермаслиги шарт.

14. ИТК илмий котиби:

ҳар бир лойиҳа бўйича ИТК мажлиси баённомасини юритади ва расмийлаштиради;

loyиҳалар бўйича ҳисбот хужжатларини қабул қилиб олади, сақланишини ва Буюртмачига қайтарилишини таъминлайди;

loyиҳа раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш жадвалини тузади ва тасдиқлаш учун ИТК раисига тақдим этади;

ИТК аъзоларига ИТК мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабар беради;

ИТК раиси ва унинг ўринbosарининг ИТК фаолиятига оид топшириқларини бажаради.

ИТК илмий котиби умумий асосда илмий лойиҳалар танловида иштирок этиш хуқуқига эга, лекин ўз лойиҳаларини муҳокама қилишда иштирок этмайди.

15. ИТК аъзолари (экспертлар) ўзларига юклangan мажбурият ва вазифаларни бажариш учун масъулдир.

ИТК аъзолари (экспертлар) томонидан экспертизадан ўтказиш тартиби мунтазам равишда бузилиши, ўз вазифаларини бажармаслик, малакасизлиги ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, улар ИТК аъзолигидан чиқарилади.

4-боб. ИТК фаолиятини ташкил этиш

16. ИТК фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш, ташкилий-техник қўллаб-қувватлаш ҳамда мувофиқлаштириш Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

ИТК таркиби Буюртмачи томонидан тасдиқланади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

ИТК фаолиятига эксперт сифатида номзодлар илмий фаолиятнинг тегишли соҳасидаги зарур назарий ва амалий билим ва кўнижмаларга эга бўлган мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар, улар тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан тавсия этилади.

17. Танлов учун тақдим этилган илмий-техник лойиҳалар тегишли ИТК ийғилишларида лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш натижалари асосида очиқ муҳокама орқали кўриб чиқилади.

18. ИТК раис, раис ўринбосари, илмий котиб ва унинг аъзоларидан иборат бўлиб, улар соҳаларга тегишли лойиҳалар бўйича мутахассис-экспертлар сифатида ҳам иштирок этишлари мумкин. ИТК аъзолари ва эксперtlар ИТК фаолиятида ихтиёрий равишда жамоатчилик асосида иштирок этиш учун жалб қилинади.

ИТК раиси бўлмагандага, унинг вазифаларини раис ўринбосари бажаради.

19. Буюртмачи ИТК аъзолари ва эксперtlар таркибини мунтазам равишда алмаштириб туради. Бунда олдин ИТК аъзоси сифатида фаолият юритган мутахассислар уч ойдан сўнг ушбу ИТК таркибга қайта жалб қилиниши мумкин. Ҳар уч ойда ИТК аъзоларининг ўттиз фоизигача ҳамда ҳар тўққиз ойда ИТК раиси ва унинг ўринбосарлари янгилаёт борилади.

20. ИТК илмий тадқиқотларнинг қуйидаги устувор йўналишлари бўйича тузилади:

- тарих ва ижтимоий фанлар;
- филология, психология ва педагогика фанлари;
- иқтисодиёт ва хуқук фанлари;
- археология фанлари;
- математика, физика, механика фанлари;
- техника фанлари;
- информатика, ахборот-коммуникация технологиялари;
- архитектура, қурилиш, дизайн ва шаҳарсозлик;
- қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- ўрмон хўжалиги;
- тиббиёт фанлари;
- фармакология ва фармацевтика;

кимё фанлари;
кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар;
ер түғрисидаги фанлар;
биология фанлари, биотехнология, экология;
стартап лойиҳалар.

21. Зарур ҳолларда, Буюртмачи томонидан бошқа долзарб илмий-техник йўналишлар бўйича қўшимча ИТКлар ташкил этилиши ҳамда ИТК йўналишлари ўзгартирилиши мумкин.

22. ИТК раислари тегишли ИТК аъзолари иштирокида йиғилишда очик овоз бериш йўли билан сайланади ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг бўйруғи билан тасдиқланади.

23. ИТК мажлислари Буюртмачи томонидан тасдиқланган режажадвалга мувофиқ ўtkазилади. Зарур ҳолларда, ИТКнинг навбатдан ташқари муҳокамалари ўтказилиши мумкин.

24. ИТК мажлислари қоида тариқасида очик ўтказилади. Зарур ҳолларда, ИТК мажлисларига танлов иштирокчилари, лойиҳа ижрочилари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

25. ИТК мажлислари унинг аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Лойиҳаларни эшлиши ва муҳокама қилишда шаффоффлик ва холисликни таъминлаш учун йиғилишда аудио-ва видеоёзувдан фойдаланиш мумкин. ИТК мажлиси баённомаси, аудио-ва видеоёзувлар Буюртмачига тақдим этилади.

26. ИТКнинг қарори, агар унинг мажлисида иштирок этганларнинг аксарияти унга овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, ИТК раисининг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

ИТК мажлисида қарор очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Алоҳида масалалар бўйича ИТК аъзолари билан келишилган ҳолда яширин овоз бериш ўтказилиши мумкин.

27. ИТК йиғилишида муҳокама қилинадиган масалалар бўйича хужжатлар йиғилишдан камида беш кун олдин ИТК илмий котибига тақдим этилади.

28. ИТК қарорлари баённома шаклида тузилади. ИТКнинг баённомаси раис (унинг йўқлигига раис ўринбосари) ва илмий котиб томонидан имзоланади. ИТКнинг илмий котиби ИТК баённомаларини сақланишини таъминлайди.

6-боб. Яқунловчи қоида

29. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун хужжатларида белгилangan тартибда жавобгар бўлади.

